

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ИЛ ЧИҚИШИ

№ 181 (2214)

11

СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

1962 ЙИЛ

БАҲОСИ

2 ТИЙИН

ОЛИМЛАРИНИНГ ОЛИЙ ТЕХНИКА ВА ГУМАНИТАР ТАЪЛИМ ПРОБЛЕМАЛАРИГА
БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Олий техника ва гуманитар таълим проблемаларига бағишланган Москвада бўлиб ўтган халқаро симпозиум қатнашчиларининг чин кўнгилдан табриклайман.

Экономика, фан ва маданиятнинг ҳамма тармоқлари учун маънавий мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш сисъий ва социал-иқтисодий тараққиёт гуруллаб ривожланиб бораётган бизнинг асримишда, илм-техника одатдан ташқари тез ривожланаётган асрда жуда катта ва тобора кўп роль ўйнамоқда.

Ҳамма жойда ҳолис ниятлик кишилар инсоният тўплаган билим-

ларни зўр бериб ва чидам билан ёшларга ўргатибгина қолмасдан, шун билан бирга ёшларни социал тараққиёт учун кураш руҳида, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик руҳида ҳам тарбиялаётган олимларга ва олий мактаб ходимларига зўр ҳурмат билан қарамоқдалар.

Янги мутахассислар тайёрлаш ва ёш авлодни тарбиялаш соҳасида олимлар, профессорлар, ўқитувчилар зиммасига юкланган олижаноб вазифа улардан тинчликни ҳимоя қилишда актив қатнашишни, ёшларга қўроқчилишни учун, халқаро ҳамкорлик учун кура-

ишни талаб қиладики, сизларнинг симпозиумингиз мана шундай ҳамкорлик намунасидир.

Сизларнинг мана шу яхши намунагиз ҳамма мамлакатлардаги фан ва маориф аҳдларини совет халқи ва унинг ҳукумати қатъият билан ўтказиб келаётган тинч-товуш йўлида уларнинг алоқаларини ва ҳамкорлигини мустақамлаш ва кенгайтиришга рағбатлантирувчи янги восита бўлиб қолсин.

Ишларингизга катта муваффақиятлар тилайман.
Н. ХРУЩЕВ.

Ўзбекистоннинг барча механизаторларига, бригада бошлиқларига, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, барча пахтакорларга республика механизаторлари IV съезди қатнашчиларининг

МУРОЖАТИ

Қадрли ўртоқлар!

Олтин куз келди, етти йилликнинг шонли, қаҳрамонона тўртинчи йилининг кузи келди. 3 миллион 350 минг тонна ўзбек пахтаси учун ўмумхалқ кураши муваффақиятли яқунланган масъулиятли давр бошланди.

Бу қишлоқ хўжалик йилимиз енгил бўлмади. Сел, гармсел, сув танқислиги — йўлимизда бундай тўсиқлар озмунча бўлдим! Лекин КПСС XXII съезди тарихий қарорларидан, партиямиз Марказий Комитети март Пленуми қарорларидан руҳланган республика пахтакорлари бутун иродаси ва ғайратини ишга солиб, қийинчиликларни енгидилар ва мўл ҳосил етиштирдилар. Етиштирилган бу ҳосил сеvimли Ватанимиз олдида олган юксак социалистик мажбуриятимизни бажаришга имкон берди.

Яхши ўроқчи ўроқ танламайди, дейилади халқ мақолида. Пахтакорлар чинакам деҳқонлардир, уларнинг меҳнатсеварлигига бутун мамлакат тан берган. Пахта — коммунистик мўл-кўлчилик дастурхонига қўядиган асосий ҳиссамиздир, бизнинг бойлигимиз ва шон-шарафимиздир, сеvimли пахтазорларимиз эса саҳий. Шунинг учун ҳам ўз хўжалиқларимизда ҳозир ўроқ танлаб ўтиравеамизми? Йўқ, биз колхоз ва совхозларимиздаги барча кишилар, моддий қудратнинг ҳаммасини, бутун қучимизни пахта теримига сафарбар етишимиз ва ҳосилни қисқа муддатда, ҳаммасини, сўнгги кўрагигача териб олиб, Ватанга ўз мажбуриятимизни бажарганлигимиз ҳақида тезроқ рапорт беришимиз керак.

Қадрли ўртоқлар, ҳамма ерда ва ҳар қачон пахта қўлда териб келинганини ва қўлда терилган бошқа чора бўлмаганини яхши биласиз. Ҳосилнинг кўп қисmini ҳозир ҳам колхозчиларимиз, совхозларимизнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик районларининг барча меҳнаткашлари тоlmас қўллари билан териб бермоқдалар. Лекин эндиликда техника уларга ёрдамга келди. Совет конструкторларимиз юксак унум билан ишлайдиган пахта териш машиналарини яратдилар, ишчиларимиз, техникларимиз, инженерларимиз эса бу машиналарни ишлаб чиқардилар. Бу терим машиналари ҳал қилувчи, энг қийин ишда — ҳосилни йиғиб-териб олишда қўл меҳнатининг ўрнини босади. Пахтачилик ходимларининг янги армияси — пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари вужудга келди. Бу армия ҳужум қилмоқда: У янги ва янги марраларни қўлга киритмоқда. Бу армиянинг ҳар бир жангчиси пахтачиликда техника тараққиётининг байроқдоридир. Ҳақиқатан ҳам, қадрли ўртоқлар, ўзингиз ўйлаб кўринг: республикада пахта теримига бир миллиондан кўпроқ киши ишлайди. Машиналарни эса ҳозирча фақат 15-20 минг киши бошқаряпти. Лекин давлатга тошириладиган ҳар 6 центнер пахтанинг бир центнерини механик-ҳайдовчилар териб бермоқда.

Шундай хўжалиқларимиз ҳам борки, бу ерларда пахта теримига қўл меҳнатининг салмоғи жуда камайиб кетди. Ўтган йили Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози барча ҳосилнинг 75 процентини, «Малик» совхозини 74 процентини машинада териб олди. Қўллаб-қўллаган ани шундайга етиб олиш учун ҳаракат қилмоқда. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «1-Боёв»т, «Сово» совхозлари, Комсомол районидаги «Партия XXI съезди», Янгийўл районидаги Киров номи ва бошқа колхозлар ҳосилнинг деярли ярмини машинада териб олмоқдалар.

Машғалларимиз — илгор комплекс механизациялашган бригадаларни айтмайсизми! Бу машғаллар қандай гўзал нур соҳнада! Машхур механизаторлардан Турсунов Охунва, Валентин Тюпко, Меликўзи Умрзоков, Жавод Кўчиев бошлиқ бригадаларда машина теримидан сўнг қолган пахта — ҳосилнинг атиги 5—8 проценти қўлда терилмоқда.

Пахтакорлар орасидан ажойиб механик-ҳайдовчилар етишиб чиқди. Пахта теришни механизациялашнинг ташаббускорлари Охунва, Тюпко, Умрзоков, Кўчиевларнинг номи билан бир қаторда бугун ўйлаб ажойиб механизаторларнинг номини келтириш мумкин. Шовот районидаги Киров номи колхоздан Ободон Дўсова ўтган йили 184 тонна пахта терди; Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Жанобой Шукуров 176 тонна терди; Сарисоё районидаги Калинин номи колхоздан Сафар Ташанов 174 тонна, 2-«Боёв»т совхозидан Насиб Бекиров 172 тонна пахта терди; «Малик» совхозидан Изот Шайдуллаев, Бўка районидаги Охунбоев колхозидан Саодат Гулаҳмедова, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан Сервер Жоналиев, Абдурафи Гафаров, Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозидан Майя Нам, «Хазорбо» совхозидан Рўзи Қўрбон, «Сўрхон» совхозидан Уроқ Қариев, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозидан Матлуба Назаровалар мавсумда 140—150 тоннадан пахта тердилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни комплекс механизациялашни тугаллаш тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда. Пахтазорлар

учун янги ва янги машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Партиямиз бизни бу машиналарни ишлаб чиқаришга жорий этишда қатъийлик ва изчиллик кўрсатишга чақирмоқда. Фақат шундай қилгандагина меҳнат унумдорлигини кескин ошириш, арзон пахта етиштириш, пахтакорнинг меҳнатини янада енгиллаштириш мумкин бўлади.

Никита Сергеевич Хрущев Тошкентда, қишлоқ хўжалик ходимларининг зона кенгашида бўлганда пахтачиликни комплекс механизациялаш пионерлари ишига қандай баҳо берганини эслаб кўрайлик, қадрли ўртоқлар.

«Ўртоқлар, ана сизга намуна, шунга тенглашмоғингиз керак. Каттадан кичик ҳаммангиз ана шу одамдан ўрганингиз... керак. Бу — меҳнатни ташкил этишда қўйилган чинакам катта қадамгина бўлмай коммунизм сари қўйилган қадамдир, чуқури коммунизм — энг юксак меҳнат унумдорлиги демаскидир».

Барча хўжалиқларнинг, ҳамма бригадаларнинг ана шундай қадам қўйиши жуда мумкиmdir. Афсуски, ўтган йил жуда кўп колхоз ва совхозлар, айниқса Фарғона, Бухоро ва Андижон областларининг, Қорақалпоғистон АССРининг колхоз ва совхозлари пахта териш техникасидан ёмон фойдаланганликларини тан олишга тўғри келди. Машина терими плани бажарилмай қолди.

Нима учун шундай бўлди? Бунинг сабаби шуки, колхоз ва совхозларнинг баъзи раҳбарлари кечаги кун билан яшамоқдалар, комплекс механизациялашнинг ва айниқса пахта териш машиналар билан йиғиб-териб олишнинг аҳамиятини тушуниб етмаётдилар ҳамда терим машиналарининг унумли ишлаши учун зарур шарт-шароитни яратиб бермаётдилар.

Бунда ана шундай хўжалиқларнинг механизаторлари ҳам айбандир, улар пахта териш машиналарини ишлатишда қайсарлик қилган айрим раҳбарларга ишчи бошбашкаларча ҳал қилиш, жанговарлик ва шахсий намуна кўрсатиш билан қатъий жавоб бермайдилар. Агар ана шундай қилганда терим комбайнига ишонсизлик билан қаровчи раҳбар: «Қаранглар уларнинг иши яхши кетаяпти. Энди машинанинг яхши ишлашини кўриб турибман ва унга ишонаман. Қани энди шундай машиналар кўпроқ бўлса!» деган бўларди.

Қадрли ўртоқлар, бу йилги куз жуда ажойиб. Биз партиямиз Программасини амалга оширишнинг дастлабки йилидаги самараларини шу кузда кўраимиз. Ватанимизнинг бепоён ерларида қурувчилик меҳнати жўш урмоқда. Яқинда совет мамлакатини космосни бўйсундиришда янги ғалабани нишонладик.

Ленинчи Марказий Комитет ва Совет ҳукумати КПСС Марказий Комитети март Пленумининг мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги қарорини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Қишлоқ хўжалигига моддий техника ердами янада кучайтириш, қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш чоралари кўрилди.

Биз пахтакорлар, механизаторлар олдида янги имкониятлар очилди. Колхоз ва совхозлар қўллаб-қўллаган пахта териш машиналари ва бошқа техника олди. Ишончли механик-ҳайдовчи қадрлар тайёрланди. Икки минг қиз бу олижаноб касбни эгаллаб олди. Машинада терилган пахтани қабул қилиб олиш масаласи янгича ҳал этилди — машинада терилган пахта далада қўрилмай ва тозаланмай бевосита бункердан тайёрлаш пунктига жўнатилаверилади. Машина терими учун ўз вақтида етарли ер ажратилди.

Шундай қилиб, бу йил машина билан камиди 550 минг тонна пахта териш ва бир ярим миллион тонна «оқ олтин»ни қоп-қанорсиз ташини учун ҳамма имконият бор. Биз ўзимизнинг бу социалистик мажбуриятимизни Ўзбекистон механизаторларининг IV республика съездида яна бир бор тасдиқлаб олдик.

Биз — механизаторлар съездининг делегатлари фикрлашиб, илгор иш тажрибаларини яхшлаб, қадрли механизатор ўртоқлар, бригада бошлиқлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, сизларга, қишлоқ хўжалигимизнинг ажойиб мутахассислари, сизларга, барча пахтакорларга мурожаат қилишга қарор қилдик. Ҳамма участкаларда, ҳамма босқичларда пахта териш машинада териш ишини намунавий ташкил этилик, бу ишни ушшоқлик билан юксак даражада ўтказайлик, мажбуриятларимизни бажарайлик ва ошириб бажарайлик ҳамда шу йўл билан КПСС Программасида кўзда тутилган пахтачиликни комплекс механизациялаш йўлида янги марраларни эгаллашга тайёрланайлик. Бунинг учун энг аввало далаларини, техникани, кадрларни тайёрлаш талаб қилинади.

Биз колхозларнинг, совхозларнинг раҳбарларини, бригада бошлиқларини даладаги машина теримига тайёрлашни тезроқ тугаллашга чақирамиз. Машина теримига ажратилган барча даладаги пахта теришчилик чикиш, бу даладаги бегона ўтлардан тозалаш, участкаларга борадиган йўллар

ни, кўприкларни тахт қилиб қўйиш, ўқариқларни текислаш, машиналар қайтадиган жойини ўз вақтида текислаб қўйиш керак.

Бу йилги шароитда ҳар бир бригадада пахта териш машинада териш учун серҳосил ва кўсақлар тез етиладиган даладаги ажратиш жуда мумкиmdir. Машиналарнинг ишлаши учун гўзаси ривожланишдан кечиккан участкалар ажратилган жойларда бундай участкаларни алмаштириш керак.

Машина теримига ажратилган майдонларда ҳосилнинг тез етилишини таъминлаш учун зовурларни тозалаш ва чуқурлаштириш, сўғоришни вақтида тўхтатиш зарур.

Қайси механик-ҳайдовчи каерда ишлаши белгиланмаган жойларда машина теримига ажратилган участкаларнинг ҳаммаси механик-ҳайдовчиларга бирктиб қўйилсин.

Хўжалиқларнинг раҳбарлари ва мутахассис ўртоқлар, сизларга гўза баргини тўктириш тўғрисида алоҳида мурожаат қиламиз. Терим олдида гўза барги ўз вақтида ва сифатли тўктирилса, машиналар ҳам яхши ишлайди, ҳосил ҳам сақланиб қолади. Кўсақлар ҳам анча барвақт очилди, кўпроқ биринчи сорт пахта териб олинади. Гўза баргини тўктириш учун дори сепиш муддатини ҳар бир пайкалда гўзанинг етилишига қараб, албатта, табақалаштириш лозим. «Малик» совхозини ва бошқа илгор хўжалиқлар ўсимликларнинг асосий қисмида бир-иккитадан кўсақ очилган даладагача дори сепа бошладилар. Улардан намуна олинг! Шундай қилсангиз «Малик» совхозинидаги каби биз ҳам 20 сентябрдан ҳамма машиналарни ишга солаемиз ва ишимиз юришиб кетади. Гўза баргини тўктириш асосан 25 сентябргача тугалланиши керак. Бундан кечиктириб бўлмайди! Ахир, ўтган йили бир қатор хўжалиқлар худди шу сабабли машина теримини барбод қилиб қўйдилар-да.

Биз, съезд делегатлари пахта териш техникасини тўла тахт қилиб қўйганимиз, бироқ кўпгина колхозларда, совхозларда, «Узсельхозтехника» район бўлиmlарида терим агрегатларининг ҳаммаси ремонтдан чиққан деб бўлмайди. Биз бу хўжалиқларнинг раҳбарларини ва механизаторларини ҳосилни йиғиб-териб олишда тўхтовсиз ишлаши учун барча техникани сифатли ремонт қилишга чақирамиз. Ремонтдан чиққан ҳар бир агрегатини биз ҳозир яна бир қарра текшириб чикамиз, обхатқа қиламиз ва ҳамма янги машиналарни шайлаб қўямиз. Механик-ҳайдовчиларнинг ҳаммаси ана шундай қилиши керак.

Биз «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш», «Чирчик-сельмаш», «Ташавтомаш», Трактор-Йўғув, Андижондаги машинасозлик заводларининг коллективларидан шу кўнларда ишни жадаллаштиришни, кўпроқ пахта териш, кўсақ териш ва кўрақ қуввиш машиналари, пахта қоп-қанорсиз ташини учун принципал ва пахта юклайдиган агрегатлар ишлаб чиқаришни илтимос қиламиз. Запас қисмлар етишмаслигидан машиналаримиз кўпинча қисмлар тўхтаб туради. Запас қисмларни кўпроқ ишлаб чиқаринг!

Йиғим-терим — мавсумий иш, бунда ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат. Иш кўнидан максимал фойдаланиш, машиналар билан кечасио кундузги пахта териш лозим. Бунинг учун механик-ҳайдовчилар ташлашни тезроқ тугаллаш керак, токи ҳар бир машина албатта икки смена ишлатилсин.

Бу йил зангори кема штурвалларини қўллаб ёш механизаторлар, қизлар биринчи марта бошқардилар. Янги касбни эгаллашда уларга ёрдам берамиз ва барча машина терими усталарини ана шундай қилишга чақирамиз. Илгорларнинг тажрибасини барча механик-ҳайдовчиларга ўргатиш учун ҳозир ҳамма жойда амалий семинарлар ўтказиш лозим.

Қадрли ўртоқлар, машина теримини тўғри ташкил этиш, бу соҳада орттирилган илгор тажрибани кенг жорий қилиш қандай мумкинлигини яхши биласизлар.

Пахта гўза тупидан тайёрлаш пунктининг бунга қадар инсон қўли тегмасдан етиб бориш учун машина терими ва ҳосилни қопламай ташлашдан иборат узлуксиз технологияни ҳамма ерда қўлла-намиз. Бу — меҳнат ва маблағларини, қоп-қанорга ишлатилмаган газламани анча тежаб қолиш имконини беради, тола сифатини анча яхшилайди. Терим муддатини бир мунча қисқартириш имкониятини яратади.

Биз пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларининг раҳбарларидан қоп-қанорсиз келтирилган пахтанинг тўхтовсиз қабул қилиб олинишини таъмин этишни сўраймиз.

Бригадада бирктиб қўйилган пахта териш агрегатларининг ҳаммаси битта ёки бир-бирига ёндош бир неча далада гурупа бўлиб ишлаши ва ҳар бир агрегатга мустақил бир майдон ажратиб берилиши керак. Пахта териш техникаси кам бўлган хўжалиқларда совхознинг бўлими ёки колхознинг участкасида гурупадан тузиш маъқулдир.

Агрегатларнинг нормал ишлаши учун кўсақларнинг ярмидан кўпроғи очилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам машина теримини кўсақларнинг 60 проценти очилгандан сўнг бошлаймиз.

Ўтган йили хўжалиқларнинг айрим раҳбарлари машина теримига ажратилган даладагача ҳосилнинг қўл билан териб олинишига йўл қўйдилар, сўнгра эса кўзбўямачилик қилиб, сводка учун машиналарни ишга туширдилар. Бу — ортиқча меҳнат сарфлаш, колхоз ва давлат маблағини талон-торож қилишдир. Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Хўжалиқларнинг раҳбарларидан бригадаларга давлатга пахта топириш графигини терим ишларида механизация даражасини, машиналарни ишга тушириш муддатларини ва уларнинг иш унумини ҳисобга олган ҳолда белгилашни сўраймиз.

Терим машиналарининг қадрли механик-ҳайдовчилари, энди сизларга мурожаат қиламиз. Машина далага чиққандан сўнг кўп нарса бизга, меҳнатга виждонан мўнасабатда бўлишимизга, фидокорлик кўрсатишимизга боғлиқдир. Машиналарни пухта соғлашимиз, техника қаровини вақтида ўтказишимиз, рулни каттик ушлаб, кўп пахта териб олиш ва унинг ерга тўқилишини қаматириш учун агрегатни моҳирлик билан бошқаришимиз керак. Барабанлар ўртасидаги оралиқни тўғри белгиланг, шеткали сўемникларни тўғри ўрнатинг, шпинделларни ўз вақтида ювиб туринг — ишнинг сифатли бўлиши учун буларни ўз вақтида бажариш жуда мумкиmdir.

Баъзи механик-ҳайдовчилар унис бўлмаепти, буниси бўлмаепти деб нолайдилар. Бунинг сабаби нимада «Сен ишни севаанг, иш сени севади» дейилади ўзбек халқ мақолида. Ҳа, машинани чавандоз ўз учқур отини севгандек севиши керак. Аллақачонлардан бундан ёмон ишлайдиган киши штурвал ёнига ўтирмасин, бундайларга машинани бошқариш ҳуқуқи берилгани йўқ, дейилмоқда. Касбининг қадрига етиш ва уни такомиллаштириш лозим.

Биз съездеда ҳар бир механик-ҳайдовчи делегат мавсумда камиди 120—150 тонна пахта териб беради, деган қарорга келдик. Бу мусобақага қўшилиб, бир қаторда ишлайдиган машинада кунга 1,5 — 2 тоннадан, икки қаторда ишлайдиган машинада 3—4 тоннадан пахта териш учун бутун кучингизни сарфланг! Бундан кам терилмасин!

Машина инсоннинг дўстидир. Никита Сергеевич Хрущевнинг бу содда ва маънаван чуқур сўзлари зиммамизга кўп вазифаларни юклайди. Биз машиналарни яхши соғлабгина қолмай, ўзимиз ҳам шайланиб туришимиз керак. Украинаник опамиз Н. Г. Загладиннинг сўзлари ҳаммамизни тўқиллантириб юборди. Бунда биз механизаторларга қарата «Биз сизларга ажойиб машиналар бериб қўйган. Бу машиналарнинг яхши ишлаши учун, давлатга тобора кўпроқ нарса етказиб беришимиз учун қўлингиздан келган ишнинг ҳаммасини қиялсизми» дейилган.

Биз қишлоқ механизатори номини баланд кўтаришимиз, механизаторлик шарафини қадрлашимиз керак. Биз механизаторлар ҳаммамиз барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари каби коммунизм учун коммунистчасига ишлаймиз! деб жавоб берамиз.

Барча механизаторларни, колхозларнинг, совхозларнинг, «Узсельхозтехника» органларининг раҳбарларини пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини механизациялаш янада ривожлантириш учун, машина-трактор паркни сақлаш, ундан фойдаланиш ва ремонт қилишда тартиб ўрнатиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга чақирамиз. Биз олимларни, конструкторларни техникани такомиллаштиришга, янги, янада сервучум, тежамли машиналарни яратишга чақирамиз, токи ҳозирча қўлда бажарилаётган ишлар ҳам механизациялаштирилсин.

Қадрли ўртоқлар! Ватан биздан кўп пахта қутмоқда. Пахта сўзсиз қўлайтириш мамлакатимизнинг барча халқлари олдидаги, қардшо 15 республика олдидаги ватанпарварлик бурчимиздир. Бу республикалар бўзимас Иттифокнинг 40 йиллигини шу йилнинг охирида нишонлаймиз.

Шонли колхозчиларимиз, совхозларимизнинг ишчилари, ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари, республика қишлоқ хўжалигининг ҳар бир меҳнаткаши бутун кучини сарфлаб 1962 йилда Ватанга 3 миллион 350 минг тонна пахта етказиб беришга каттик ишонамиз.

Биз партиямиз Ленинчи Марказий Комитетини ва Совет ҳукуматини машинада камиди 550 минг тонна пахта териш, 1,5 миллион тонна «оқ олтин»ни қоп-қанорсиз ташини ҳамда пахтачиликни комплекс механизациялаш янада олға силжитиш юзасидан Ватан олдида берган сўзимизнинг устидан албатта чиқамиз деб сўз бериб республика қишлоқ-хўжалиги барча механизаторларнинг иродасини ва интилишини ифода этганлигимизга ҳам ишонамиз.

ЖАНГОВАР ИШГА, МЕХАНИЗАТОР ҲУҚУҚЛАРИ

БУ МУРОЖААТ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ IV РЕСПУБЛИКА СЪЕЗДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

3-БЕТ, 11 СЕНТЯБРЬ, 1962 ИИЛ.

ТЯБРАДА
ПРОГРАММА
— Мен нималарин
р. учун), 18.55 — Те-
19.10 — Саноат хо-
19.40 — Темир Феликс
турилган куннинг 85
билан).
0 — Концерт (халқ
), 20.30 — Телевизион
Юздаги ямоқ (Х,
осида телевисценциров-
мифия номи б-
ПРОГРАММА

нат, жаннат дейдилар — борми унинг қиёси
 Ҳолдас бозори — Ҳаммаю шайхотини

Эътибор ОХУНОВА.

1. *Journal of the American Medical Association*, 1990; 263: 1033-1036.

Оқшом чўкканида ҳар кун ёнио сеп,
Шуъла тўкканида кўкнинг биз-ойи.

ТЯБРАДА
ПРОГРАММА
— Мен нималарин
р. учун), 18.55 — Те-
19.10 — Саноат хо-
19.40 — Темир Феликс
турилган куннинг 85
билан).
0 — Концерт (халқ
), 20.30 — Телевизион
Юздаги ямоқ (Х,
осида телевисценциров-
мифия номи б-
ПРОГРАММА

Ъ Р

10 да)
I номли,
ОВ ном.
— «ВА-
«УДАР-
йўқ —
соат 10

Нашир. Г. 1677.

етдилар. Улар бу республикалар-лар. (ЎзТАГ).

истонга ва Қирғизистонга жўнаб монларни самимий уэтиб - қол-
еддилар. Улар бу республикалар-лар. (УэТАГ).

Р. 02298. Напр. Г. 1677.

Б. 02296, Ёрланган напирётигининг боғмаҳонаси
Нашр. Г. 1677,